

Ҳиндулар Исломни диққат билан ўргансалар, улар ҳам мен каби бу динни севиб қоладилар



11:00 / 06.07.2019 4890

Махатма Ганди Ислом дини ва Қуръони каримни синчиклаб ўрганиб, мусулмонларга ҳайрон қолган. У ўзининг бу ҳаракатини шундай изоҳлайди:

Мусулмонлар ўзларининг улуғвор ва ғалабали кунларида ҳам мутаассиб бўлмаганлар. Ислом дунё Яратувчиси ва Унинг ишларига ҳайрат назари билан қарашга буюради. Фарб қўрқинчли зулмат ичида бўлганида, шарқда порлаган, кўзни қамаштирувчи ислом юлдузи азоб-уқубат дунёсига ёруғлик, тинчлик ва тасалли олиб келди. Ислом дини ёлғончи дин эмас. Ҳиндулар бу динни диққат билан ўргансалар, улар ҳам мен каби бу динни севиб қоладилар. Мен Ислом динини, Пайғамбарини ва унинг атрофидагиларнинг қандай яшаганликлари ҳақидаги китобларни ўқидим. Улар менда жуда ҳам катта таассурот қолдирди. Мен шу хулосага келдимки, исломиятнинг бунчалик тез ёйилиши қилич кучи билан бўлган эмас. Тўяраси: Аксинча, ҳар ишда соддалик, мантиқ ва Пайғамбарларининг катта ҳол соҳиби яқинларига ва барча мусулмонларга чексиз садоқатда бўлгани туфайли бу дин бошқа кишилар томонидан севилиб қабул қилинган. Ислом ижтимоий адолатни буюрувчи диндир. Насронийликдаги бир қатор камчиликлар туфайли у ислоҳотга муҳтож бўлгани ҳолда Исломият нозил бўлган кундан бери бугунги кунгача ҳеч нарсаси

Ўзгармаган.

***Махатма Ганди - Ҳиндистон сиёсий арбоби, мустақиллик
асосчиларидан бири.***